

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎҚИТИШДА МИЛЛИЙ МИНИАТЮРАДАН Фойдаланиш (БОБУРНОМА МИСОЛИДА)

Сулаймон Амиркулович Ҳайдаров

Чирчиқ давлат педагогика институти катта ўқитувчиси (PhD)

haydarov_sulaymon82@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада тарих дарсларида ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш, дарс жараёнида санъат асарлари орқали тарих фанини самарали ўзлаштирилишига хизмат қилиши ёритиб берилган.

Калит сўзлар: санъат асарлари, технологиялар, дарс, ўқувчи, метод, самарадорлик.

USE OF NATIONAL MINIATURES IN TEACHING THE HISTORY OF UZBEKISTAN (IN THE EXAMPLE OF BOBURNOMA)

ABSTRACT

This article explains how to increase the activity of students in history lessons, to serve the effective study of history through works of art in the classroom.

Keywords: works of art, technology, lesson, reader, method, efficiency.

КИРИШ

Дунёда таълимни замонавий талаблар асосида ташкил этиш, унинг мазмунини миллий анъаналар, кадриятлар асосида такомиллаштириш орқали самарадорликка эришиш асосий йўналишларини ташкил этади. Шу йўналишда тарих фанини ўқитишда бугунги кундаги янгиликлар, ўзгаришлар ва қонунлар, замонавий манбалар, эришилаётган натижалар, бўлиб ўтаётган энг сўнгги воқеликлар билан бир қаторда тарихий манбалардан фойдаланиш технологияларини яратиш долзарб педагогик муаммолар сирасига киради. Айниқса, ЮНЕСКО ташкилоти томонидан ҳар йили таълимга оид янгиликларнинг эълон қилиниши ва уларнинг дунё таълим амалиётида кенг қўлланилиши таълимнинг ривожланишига хизмат қилмоқда. Мазкур ташкилот томонидан миниатюра санъатини замонавий шароитда ўрганиш масалалари ҳам халқаро миқёсда тарғиб қилиб келинмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Республикамизнинг бир қатор тарихчи, педагог олимлари ҳамда методистлари томонидан тарих ўқитиш методикасининг турли масалалари ўрганилган бўлса-да, унинг фанлараро алоқадорлик тамойиллари, хусусан, тарих таълимида миниатюра санъати асарларидан фойдаланишга оид жиҳатлари махсус илмий муаммо тарзида тадқиқ этилмаган. Миниатюра санъатининг тадқиқотида оид изланишлар асосан тарих, филология ва санъатшунослик йўналишларида амалга оширилган.

Жумладан, республикамиз олимларидан санъат тарихи соҳасидаги айрим масалалар С. Мурзаев, Р. Фатхуллаев, Х. Каримов, томонидан қисман ўрганилган. Санъатнинг, хусусан, миниатюра санъатининг тарихий аспекти Г. Пугаченкова, Л. Ремпель, А. Ҳакимов, А. Мадраимовларнинг тадқиқотларида атрофлича ўрганилган. Хусусан, Ўзбекистон ҳудудида миниатюра санъатининг пайдо бўлиш тарихи Г. Пугаченкова, Л. Ремпельларнинг тадқиқотларида етарли даражада ўз аксини топган. Миниатюра санъатининг бадиий педагогика йўналишини ўрганган Н. Ойдинов, С. Булатов, А. Сулаймоновларнинг илмий ишларида айнан тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш ифода қилинмаган бўлса-да, бироқ уларнинг тадқиқотларида тарих ўқитиш усулининг турли хил жабҳалари ёритиб берилган, яъни тадқиқотларда бу борада муайян ишлар амалга оширилган.

МУҲОКАМА

Илмий аҳамияти шундан иборатки, улар тарих таълимини муҳим манбаи – миниатюра санъатининг дидактик имкониятларига янгича педагогик тафаккур асосида ёндашишга назарий асос вазифасини ўтайди. Шунингдек, турли фактлар контекстида ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида миниатюра санъати асарларидан фойдаланиб, «Ўзбекистон тарихи» фанини оптимал мазмун ва методикаси бўйича ўқитишнинг дидактик асослари яратилди.

Ўзбекистон тарихини ўқитиш жараёнида миниатюра санъати асарларидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги тажрибалар асосида исботланган қуйидаги амалий аҳамиятга эга:

-тарих таълими концепцияси ва Давлат таълим стандарти йўриқномалари моҳиятининг тадқиқ этилиши таълим жараёнида улардан тўғри фойдаланиш имконини беради;

- миниатюра санъати асарларидан фойдаланишда «Ўзбекистон тарихи» ўқув фани дастури, дарслик ва қўлланмаларга қўйилган дидактик талабларнинг янгиланаётган педагогик тафаккур асосидаги таҳлили дидактик воситаларнинг самарадорлик коэффициенти оширади;

- муайян дидактик талаблар асосида танлаб олинган ҳамда «Ўзбекистон тарихи» ўқув фани бўйича мавзулар кесимида фойдаланиш учун ишлаб чиқилган методик тавсиялар тарих таълимини объективлиги, аниқ тарихий далилларга асосланганлигини таъминлайди. Натижада тарих таълимида объективликка асосланган самарадорлик таъминланади.

НАТИЖАЛАР

Жамият томонидан таълим-тарбия тизими олдига қўйилган бундай масъулиятли вазифа педагогика фанининг ривожланишига ўзининг катта таъсирини кўрсатади. Ана шундай ривожлантириш йўналишларидан бири фаол таълим эканлиги эътироф этилган. Фаол таълим деганда биз таълим-тарбия жараёнининг асосий объекти ва субъекти ҳисобланган таҳсил олувчи (ўқувчи) тингловчиларнинг онгли ва фаол иштироки, мустақиллиги ва ижодий қобилиятларини таъминловчи омиллар тизимини тушунамиз. Миниатюра санъати асарлари ўқувчиларда юқоридаги сифатларни шакллантиришнинг муҳим омили сифатида эътиборлидир.

Педагогика назарияси ва амалиётида жуда кўплаб фаоллаштириш омиллари қайд этилган. Ана шундай муҳим омиллардан бири бизнинг назаримизда ўқув материални долзарблаштириш ҳисобланади.

Таълим-тарбия жараёнида қўлланиладиган долзарблаштириш тушунчасининг луғавий маъноси ўқув материални айни пайт ва келажакда зарур ва муҳим аҳамиятга эга эканлигини таҳсил олувчилар онгига етказиб, уни ўрганишга ҳис-туйғу, қизиқиш уйғотувчи ва фаол ўқув билишга ундовчи омил деб эътироф этилади. Педагогика нуқтаи назаридан олиб қараганда, долзарблаштириш ўқув материални таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирилиши зарурлигини кўрсатса, психологик жиҳатдан материални ўзлаштиришга уларда эҳтиёж туйғусини уйғотади. Миниатюра санъати намуналарини тарихий манба сифатида ўрганишга нисбатан онгли эҳтиёжни юзага келтириш ўқув материални сифатли ўзлаштиришнинг муҳим шартларидан биридир. Бошқача сўз билан айтганда, тарих таълимини тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари воситасида ташкил этиш ўқувчиларда тарихий тафаккурни ўстиришнинг муҳим омилларидан биридир.

ХУЛОСА

Ўзбекистон тарихи таълими самарадорлигини оширишда тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш бўйича амалга оширилган тадқиқот ишлари қўлланиладиган миниатюраларнинг педагогик таълими уларнинг тарих таълими билан алоқадорлигини асослаш учун назарий ва амалий замин яратади. Зеро, тавсия этилаётган манба Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарларига ишланган миниатюралар ўша давр тарихининг тасвирий талқини сифатида ўқув материални визуал тарзда тақдим этиш воситаси сифатида ўқувчиларнинг тарихий билимларни ўзлаштириш даражасини сезиларли даражада ортишига хизмат қилади.

REFERENCES

1. Ҳайдаров Сулаймон Амиркулович. (2020). Тарих фанини ўқитишга оид экологик муаммолар масаласи «Scientific Progress» Scientific journal 1(1). 12-17.
2. С.А. Ҳайдаров. (2020). [Тарих дарсларида тасвирий санъат асарларидан фойдаланиш](#). Science and Education. 1(9). 458-461.
3. Ҳайдаров Сулаймон Амиркулович. (2021). Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишда тасвирий санъат асарларидан фойдаланишнинг ўзига хослиги «Scientific Progress» Scientific journal 1(3). 9-14.
4. Ҳайдаров. С. (2021). Заҳириддин Муҳаммад Бобур хорижлик тадқиқотчилар нигоҳида: подшоҳлик мўйқалами. Ҳалқаро илмий-амалий конференцияси тўплами. 43-46 б.
5. Сулаймон Ҳайдаров. (2020). [Ўзбекистон тарихи фани дарслари самарадорлигини оширишда тасвирий санъат воситаларининг роли](#). Science and Education, 1(6), 174-179.
6. С.А. Ҳайдаров. (2020). Педагог-ўқитувчиларда ахборот-коммуникация кўникмасини шакллантириш асослари. "Science and Education." Scientific journal. 1(7). 610-617 б.
7. Ҳайдаров.С. (2021). Рақамли таълим муҳитида тарих дарсларида талабалар билимини назорат қилиш воситалари ва методлари. Ҳалқаро илмий-амалий конференцияси тўплами. 160-163 б.
8. Khaydarov S.A. (2019). Use of products of the fine arts in teaching history of Uzbekistan. International Journal of Research. 6(03).40-44